O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2006 йил 9 сентябрь, № 178 (4077) Шанба

ИСЛОМ КАРИМОВГА ЮНЕСКО ОЛТИН МЕДАЛИ ТОПШИРИЛДИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 8 сентябрь куни Оқсаройда ЮНЕСКО Бош директори Коичиро Мацуурани қабул қилди.

— Биз сизни нафақат ЮНЕСКО Бош директори, балки фан, маданият, таълим соҳаларини ривожлантириш, инсонийлик ғояларини тарғиб этиш орқали дунёда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшиб келаётган етук дипломат сифатида ҳам ҳурмат қиламиз, — деди Ислом Каримов. — Биз ЮНЕСКО билан изчил ривожланаётган ҳамкорликни, Ўзбекистоннинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаб келаётганингизни юксак қадрлаймиз.

— Истиқлол йилларида Ўзбекистон сизнинг раҳбарлигингизда ҳар томонлама ривож топди, — деди Коичиро Мацуура. — Ўзбекистонга учинчи бор келишим. Ҳар сафар келганимда юртингизда улкан бунёдкорлик ишларининг самараларига, иқтисодий, ижтимоий ва маданий-маърифий ҳаётда юз бераётган кенг кўламли ўзгаришларга гувоҳ бўламан.

Ўзбекистон ЮНЕСКОга 1993 йилда аъзо бўлган. Тошкентда ташкилот ваколатхонаси фаолият кўрсатмоқда. Мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида қадимий ёдгорликларни асраб-авайлаш, буюк аждодлар меросини ўрганиш ва дунёга танитиш, халқимизнинг дунё цивилизациясига қўшган ҳиссасини ҳаққоний баҳолаш, қадимий маданиятимизни, урф-одат ва анъаналаримизни тиклаш ва тарғиб қилиш борасида мазкур ташкилот билан ҳамкорликда беқиёс ишлар амалга оширилмоқда.

Истиқлол йилларида Амир Темур, Мирзо Улуғбек каби буюк боболаримизнинг, Бухоро, Хива, Термиз, Шаҳрисабз шаҳарларининг, "Алпомиш" достони ва "Авесто"нинг юбилейлари ЮНЕСКО шафъелигида кенг нишонланди. Ташкилот мамлакатимиздаги қадимий ёдгорликларни тиклаш, кенг тарғиб этишда ҳам фаол иштирок этмоқда.

Оқсаройдаги суҳбат чоғида Ўзбекистон билан ЮНЕСКО ўртасидаги ҳамкорлик истиқболларига оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Коичиро Мацуура Президентимизга ЮНЕСКОнинг «Боробудур» олтин медалини топширди.

Бу медал ташкилот томонидан 1983 йилда таъсис этилган. Унинг тарихи Индонезиянинг Ява оролидаги Боробудур археологик ёдгорлиги билан боғлиқ. 1972 йилда ЮНЕСКО уни тиклаш бўйича халқаро кампания бошлаган ва 1983 йилгача давом этган реставрация ишларига қарийб 20 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилган. Тиклаш кампанияси муваффақиятли якунланиши муносабати билан ЮНЕСКО маданият, таълим, фан ва ахборот соҳаларини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган арбоблар тақдирланадиган ушбу ёдгорлик номи билан аталувчи мукофот таъсис этган.

Ислом Каримовга бу медал халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш, маданият ва динлараро мулоқотни ривожлантириш, таълим тизимига бағрикенглик ғояларини жорий қилиш йўлидаги улкан хизматлари учун тақдим этилди.

(ЎзА).

СУРАТЛАРДА: қабул пайтидан лавҳалар. Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган суратлар.

МУСТАҚИЛЛИК ТАЯНЧЛАРИ

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон ўзига хос ва мос тараққиёт модели асосида бозор иқтисодиётини вужудга келтирди, жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзосига айланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 7 августдаги "Фан ва технологиялар ривожланишини мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ҳам мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишида фаннинг ролини кучайтириш, илмий-техника тараққиёти бошқарувини эркинлаштириш, илмий-тадқиқотлар, технологик ва конструкторлик ишланмалари даражаси, сифати ва долзарблигини ошириш, улардан самарали фойдаланиш учун кенг шароитлар яратишга йўналтирилган.

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТ САМАРАДОРЛИГИ САРИ

Маълумки, бой тарихимиз ва маданий меросимиз муаммоларини ўрганишда, миллий қадриятларимизга холисона баҳо беришда ҳамда ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришда ижтимоий-гуманитар фанларнинг ўрни ва аҳамияти ниҳоятда каттадир. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ижтимоий-гуманитар фанлар комплексига қарашли институтлар ва муассасаларда самарали тадқиқотлар олиб борилганлигини қайд этиш зарур.

Мустақиллик йилларида буюк сиймоларнинг юбилей саналарини нишонлаш ишларида Фанлар академияси фаол иштирок этиб келмоқда. Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад Фарғоний, Имом Бухорий, Мотурудий, Бурҳониддин Марғиноний, Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Жалолиддин Мангуберди ва бошқа шу каби тарих ва маданиятимизнинг улуғ намояндалари, буюк саркарда ва давлат арбобларининг тўйларида ҳамда Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Қарши, Марғилон, Самарқанд шаҳарларининг, шунингдек, "Авесто" китоби ва "Алпомиш» достони юбилейларини ўтказишда олимларимиз томонидан кўплаб мақола, рисола ва монографиялар нашр қилинди, турли халқаро ва республика анжуманларида ҳамда улуғ сиймоларнинг маданий ва илмий меросини тарғиб қилишда, фотолавҳалар, видеоматериаллар, эсдалик нишонларини тайёрлашда иштирок этдилар.

Замонавий ва мумтоз ўзбек миллий адабиёти (шу жумладан, болалар адабиёти), фольклор, ўзбек тилининг тарихи ва бугунги ҳолати, унинг грамматик қурилиши ва лексик таркиби, терминологияси ва диалектологияси масалаларини чуқур ўрганишга йўналтирган Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти ижодий-илмий жамоаси ҳам кўзга кўринарли ютуқларга эришмоқда. Ўзбек мумтоз асарларининг энг яхши намуналарини нашр этиш, турли луғатларни тузиш ва чоп этиш, шу билан бирга, тил ва адабиёт назарияси бўйича асарлар яратишга катта эътибор берилмоқда. Беш жилдли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»нинг яратилганлиги, Алишер Навоийнинг 20 жилдли «Мукаммал асарлар тўплами», «Алпомиш», «Гўрўғли» достонлари каби академик нашрларнинг амалга оширилганлиги бунинг ёрқин далилидир.

Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида илмий-назарий тадқиқотлар, энг аввало, хорижий Шарқ мамлакатлари, айниқса, ислом дунёси ва шунингдек, Ҳиндистон, Хитой, Япония, Корея, Афғонистон ва бошқа давлатларнинг тарихи, иқтисодиёти, ижтимоий, маданий, маънавий ҳаётини ўрганишга йўналтирилган.

Жаҳон миллий-маънавий тарихида энг ноёб ва қимматли ҳисобланган ҳамда ЮНЕСКОнинг махсус рўйхатига киритилган Шарқ қўлёзмалари фонди — институтнинг ноёб бойлигини авайлаб сақлаш, тўлдириш ва ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Институтнинг ушбу бебаҳо ва такрорланмас, айни пайтда миллатимизнинг фахри бўлган қўлёзмалари дунё шарқшунослари назаридадир. Ҳозирги пайтда мазкур фонд 26 минг жилдни ташкил қилади, тошбосма ва литографик нашрлар фонди эса 40 минг жилдга яқиндир.

Ўзбекистонда тарихий илмий-назарий изланишларни мувофиқлаштирувчи марказга айланган академиямизнинг Тарих институти олимлари томонидан ҳам "Тарихий хотирасиз – келажак йўқ" дастури асосида кенг қамровли ижодий фаолият олиб борилиб, кўплаб асарлар яратилди.

Иқтисодиёт институтида асосий эътибор Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясини шакллантириш ҳамда жаҳон хўжалиги тизимида интеграция чуқурлашаётган бир палада миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини кучайтириш механизмининг методологик асосларини яратиш жараёнлари, иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида инвестиция ва инновация дастурларини шакллантириш методологияси, рақобатни ривожлантириш асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни ҳар томонлама рағбатлантириш механизми ҳамда ишчи кучларини экспорт қилиш асосида меҳнат бозорини шакллантириш ва демографик вазиятни баҳолаш тизими ва методологиясини ривожлантиришга қаратилган.

(Давоми 2-бетда).

ҲАМКОРЛИК САМАРАЛАРИ

Мамлакатимизга ташриф буюрган ЮНЕСКО Бош директори Коичиро Мацуура 8 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон миллий комиссияси раиси Рустам Қосимов билан учрашди.

Ўзбекистон билан мазкур халқаро ташкилот ўртасидаги алоқалар изчил ривожланиб бораётгани таъкидланди. Бунда юртимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида таълим, фан ва маданият соҳаларини янада ривожлантириш учун изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар бераётган самаралар муҳим омил бўлмоқда.

К.Мацуура Ўзбекистон ЮНЕСКО дастурларида фаол ва самарали иштирок этаётганини, ташкилотни ривожлантиришга ҳар томонлама салмоқли ҳисса қўшаётганини алоҳида таъкидлади.

БМТнинг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти — ЮНЕСКО халқлар ўртасида ана шу соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш орқали дунё миқёсида тинчлик ва барқарорликни таъминлашга хизмат қилиб келмоқда. Ташкилотга аъзо мамлакатларнинг аксариятида, жумладан, Ўзбекистонда ҳам ЮНЕСКО ишлари бўйича миллий комиссия тузилган. Ўзбекистон ЮНЕСКОга 1993 йилда аъзо бўлган.

Мулоқотда ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, истиқболда биргаликда янги лойиҳаларни амалга оширишга доир масалалар муҳокама қилинди. Ўзбекистон томонидан таълим, фан ва маданият соҳаларини янада ривожлантиришга қаратилган таклифлар мамнуният билан қабул қилинди. Хусусан, маданий меросни асраб-авайлаш бўйича менежерлар тайёрлаш минтақавий марказини тузиш таклифи меҳмонда катта қизиқиш уйғотди.

Учрашув якунида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан ЮНЕСКО ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланди. Ушбу ҳужжатда ЮНЕСКО фаолиятида устувор йўналиш ҳисобланган таълим, ижтимоий ва табиий фанлар, маданият, коммуникация ва ахборот соҳасида янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш, ҳамкорликда тадбирлар ўтказиш кўзда тутилган.

К.Мацуура Тошкент Халқаро Вестминстер университетида ЮНЕСКО кафедрасининг расмий очилиш маросимида ҳам иштирок этди. Бу ЮНЕСКОнинг мамлакатимиз олий ўқув юртларидаги ўнинчи кафедраси бўлди.

— Ушбу таълим муассасасида ЮНЕСКО кафедрасининг очилиши ўзаро ҳамкорлигимиз самарали ривожланиб бораётганидан далолатдир, — деди К.Мацуура. — Мен Ўзбекистонга илгари ҳам бир неча бор келганман. Ҳар гал келганимда юртингизда нафақат ЮНЕСКО фаолиятига дахлдор соҳалар, балки бошқа жабҳаларда ҳам катта ютуқларга эришилаётганига гувоҳ бўламан. Ўзбекистоннинг ютуқлари бизни жуда қувонтиради.

ЮНЕСКО Бош директори Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети профессор-ўқитувчилари ва талабалари билан ҳам учрашди. Бу ерда унга университетнинг фахрий доктори унвони топширилди.

К.Мацуура Тасвирий санъат галереяси ва Ўзбекистон тарихи давлат музейида бўлди, Тошкент кулоллик санъати ўқув марказида ташкил этилган кўргазмани томоша қилди. У Ўзбекистонда миллий маданиятни юксалтириш, қадимий бой мерос, урф-одат, анъана ва удумларни асраб-авайлаш ҳамда кенг тарғиб қилиш борасида амалга оширилаётган ишларга юксак баҳо берди.

Фазлиддин АРЗИЕВ, ЎзА мухбири.

8 сентябрь куни Қозоғистоннинг Семипалатинск шаҳрида Марказий Осиё мамлакатлари ташқи сиёсат маҳкамалари раҳбарлари минтақани Ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш тўғрисидаги шартномани имзоладилар. Ёш ва мустақил давлатларнинг глобал қуролсизланиш ва ядро қуролларини тарқатмаслик жараёнига қўшган бундай салмоқли ҳиссаси жаҳонда кенг таассуротга сабаб бўлди. БМТнинг тинчлик ва қуролсизланиш масалалари бўйича минтақавий маркази директори Цутому Ишигури «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири билан суҳбатда қуйидаги фикрларни билдирди:

Жаҳон ҳамжамияти учун яна бир хушхабар

— Ядро қуролидан холи ҳудудларнинг оммавий қирғин қуролларини тарқатмаслик тўғрисидаги халқаро тартибни мустаҳкамлаш, минтақавий ҳамда глобал тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга муҳим ҳиссаси жаҳонда эътироф этилган. Шу маънода, минтақанинг бешта мамлакати Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш тўғрисидаги шартномани имзолагани айни пайтда ядровий тарқатмасликка ва Ядро қуролларини тарқатмаслик тўғрисидаги шартномага нисбатан мавжуд бўлган хавф-хатар ва таҳдидлар билан курашаётган халқаро ҳамжамият учун хушхабар бўлди.

Ўзбекистон Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. 1997 йил сентябрида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов раҳнамолигида Тошкентда халқаро конференция ўтказилиб, бу каби ҳудудни яратиш борасидаги жараёнлар бошлангани расман эълон қилинди. Шундан сўнг бўлиб ўтган музокаралар чоғида Ўзбекистон ҳужжатдаги моддалар лойиҳалари учун кўплаб ғоялар ва изоҳларни таклиф этди. Улар шартнома матнига киритилиб, Марказий Осиёнинг ядро қуролидан холи ҳудудга айлантирилишини ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштириш жараёнларини якунлашга хизмат қилди. 2005 йил февралида Тошкентда бўлиб ўтган минтақа экспертларининг сўнгги учрашувида Ўзбекистон томонининг мувофиқлаштирувида БМТ, МАГАТЭ ва ядро қуролига эга бешта мамлакатнинг таклиф ва мулоҳазалари кўриб чиқилди ва айнан шу учрашувда шартнома лойиҳаси матни борасидаги ишга якун ясади.

Шартномани имзолаш орқали Марказий Осиё давлатлари минтақа ядро қуролидан холи ҳудудга айлантирилишининг ҳуқуқий меъёрини тасдиқлаб бердилар. Ҳужжатда қайд этилганидек, шартноманинг минтақа давлатлари томонидан ратификация қилиниши бу йўлдаги кейинги қадам бўлади.

«Жаҳон» АА.
Нью-Йорк.

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикасининг Исроил давлатидаги элчиси Фарҳод Ҳакимов ушбу мамлакат Президенти Моше Кацавга ишонч ёрлиқларини топширди.

Бўлиб ўтган суҳбат чоғида М.Кацав Ўзбекистонда Исроил технологиялари ва сармоялари учун қулай бозор мавжуд эканини таъкидлади. Исроил Президенти икки томонлама ҳамкорликнинг мавжуд салоҳиятидан фойдаланишга қаратилган биргаликдаги қадамларни ташлаш, аввало, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат, телекоммуникациялар соҳасидаги алоқаларни ривожлантириш даркорлигини қайд этди.

М.Кацав Ўзбекистон — Исроил муносабатларининг даражасини ижобий баҳолаб, улар барча соҳаларда муваффақиятли ривожланишига умид билдирди.

"Жаҳон" АА.

НАВБАТДАГИ СОНЛАРДА

МАЪНАВИЯТ ТАРҒИБОТИ – ҲАЁТИЙ ЗАРУРАТ



БУГУНИ ШАРАФЛИ, ЭРТАСИ НУРАФШОН КОРХОНА

«ЭСКИ ЖЎВА»ДАГИ ИККИ ХИЛ МАНЗАРА

Айтмасам бўлмас

Хушхабар

Уфадан медаллар билан

Уфа шаҳрида ёзги биатлон бўйича жаҳон чемпионати бўлиб ўтмоқда. Унда дунёнинг 21 давлатидан келган 170 нафардан ортиқ спортчи бош соврин учун баҳс юритмоқда.

Жаҳон чемпионатида Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотига қарашли Республика техник ва амалий спорт турлари маркази биатлончилари ҳам бўш келишмаяпти. Биринчи куни ўсмирлар ўртасида ўтказилган спринт беллашувларида халқаро тоифадаги спорт устаси Руслан Носиров маррага биринчи бўлиб етиб келиб, жаҳон чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлди. Иккинчи кунги пасют баҳсларида эса кумуш медаль билан тақдирланди.

Кеча эстафета мусобақаси бўлиб ўтди. Унда Руслан Носиров, Мурод Ҳожибоев ва Анузар Юнусовлар ватанимиз шарафини ҳимоя қилишди.

Зиёдулло ЖОНИБЕКОВ.

ИСТИҚЛОЛ ФИДОЙИЛАРИГА ЭҲТИРОМ

«Шаҳидлар хотираси» хиёбонида мамлакатимиз мустақиллигининг 15 йиллигига бағишлаб «Истиқлол фидойилари» мавзуида фотокўргазма бўлиб ўтди. ЎзЛиДеП сиёсий кенгаши ижроия қўмитаси томонидан Ички ишлар ва Мудофаа вазирликлари ҳамда «Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси билан ҳамкорликда уюштирилган мазкур тадбирни ўтказишдан мақсад Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида, террористик хуружларни бартараф этаётганда қурбон бўлган ҳарбий хизматчилар, ички ишлар ходимлари хотирасини абадийлаштиришдан иборатдир.

Фотокўргазмадан 1999 йил 16 февраль воқеалари, Сариосиё ва Ўзун туманларида, Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида, шунингдек, содир этилган бошқа қатор террорчилик хуружлари оқибатида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ички ишлар ходимларининг суратлари, уларнинг қаҳрамонликлари ҳақида лавҳалар жой олган. Бундан ташқари, кўргазмада Андижон воқеаларида тинчлигимизни ҳимоя қилиш йўлида жон фидо қилган аскар ва зобитларимизнинг суратлари ҳам илк бор намойиш этилаяпти.

Шаҳид кетган ватандошларимиз хотирасини ёдга олиш нафақат ўтмишимиз, балки бугунги ёруғ кунларимизни ҳам янада теранроқ англаш, қадрига етишга ундайди. Қолаверса, бу ўсиб келаётган ёш авлодга катта ибрат мактабидир.

Тадбирда сўзга чиққан пойтахт жамоатчилиги вакиллари, талабалар, марҳум аскарларимиз оила аъзолари халқимизни ўзи танлаган йўлдан ҳеч қандай куч қайтара олмаслигини, мустақиллигимизни кўз қорачиғидай асраб-авайлаш лозимлигини таъкидлашди.

Юнус БЎРОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТ САМАРАДОРЛИГИ САРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Иброҳим Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти жамоаси ҳуқуқий билимларни ривожлантириш, қонунчилик жараёни ва ҳуқуқ нормаларини қўллаш амалиётини такомиллаштириш, бозор муносабатларини янада эркинлаштириш ва бошқаришнинг ҳуқуқий масалалари, жамиятни демократлаштириш ва эркинлаштиришни янада такомиллаштириш, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш, дунёнинг илғор мамлакатлари тажрибаси ва миллий анъаналарни ҳисобга олган ҳолда инсон ҳуқуқлари, шахс эркинлиги ва фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларини илмий-назарий тадқиқ қилиб, мамлакатимизнинг фалсафий-ҳуқуқий қиёфасини шакллантиришга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси ФА Қорақалпоқ бўлими таркибига кирувчи Оролбўйи минтақавий ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ўрганиш, Тарих, археология ва этнография ҳамда Тил ва адабиёт институтларида ишлаётган ҳамкасбларимиз ҳам илм-фан тараққиёти борасида кўпгина ютуқларга эришди. Жумладан, олти йил олдин ташкил этилган Оролбўйи минтақавий ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ўрганиш институти минтақа ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш, ижтимоий-иқтисодий жараёнларни моделлаштириш, шунингдек, экология ва аҳолишунослик муаммоларини тадқиқ этиш билан шуғулланади. Таъкидлаш жоизки, институтнинг бош стратегик вазифаси – минтақадаги Оролбўйининг барқарор ривожланишини таъминловчи омилларни илмий-назарий изланишлар натижасида аниқлаш ва ҳаракатга келтиришга йўналтирилган. Тарих, археология ва этнография институти 1992 йилда ташкил этилган бўлиб, бош йўналиши Жанубий Оролбўйи халқларининг энг қадимги, ўрта асрлар, янги ва энг янги тарихини, унинг моддий ва маънавий маданияти ҳамда турмуш тарзи, археологияси, санъати, шунингдек, манбашунослик ва тарихшунослик масалаларини ўрганишдир.

Очиқ музейлар шаҳри Самарқандда жойлашган Археология институти Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих ва археология институти археология бўлими базасида 1970 йилда ташкил қилинган. 1994 йилда Ўзбекистон Республикаси ФА Самарқанд бўлими таркибига киритилган академик Яҳё Ғуломов номидаги Археология институтида ўтган йиллар давомида Ўзбекистон ҳудудида палеолит, неолит, бронза даври ва илк ўрта асрларнинг турли босқичлари, деҳқончилик ва илк шаҳар маданияти, Буюк Ипак йўли тарихи, қоялардаги ёзувлар, эпиграфика, нумизматика, Марказий Осиё халқлари динлари тарихини (зороастризм, буддизм, ислом ва б.) ўрганиш соҳалари бўйича янги, жуда муҳим, оламшумул кашфиётлар қилинди.

Хоразм Маъмун академиясида археология, тарих, айниқса қадимий Хоразм цивилизацияси ва давлатчилиги, илм-фани, моддий ва маънавий маданиятининг комплекс муаммолари, унинг бошқа Шарқ ва Ғарб мамлакатлари билан халқаро алоқалари тадқиқ этилади.

Музейларда халқимизнинг жуда кўп моддий ва маънавий мероси ёдгорликлари тўпланган, улар ўрганилмоқда ҳамда улар асосида мамлакатимиз халқи, айниқса, ёшлар ўртасида фаол тарбиявий ва маърифий ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, музейларимизда "Амир Темур – Клавихо – Самарқанд", "Қоратепа — Ўрта Осиё буддавийлик маркази", Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигига бағишланган "Ўзбекистонда илм-фан тараққиёти", Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига бағишланган "Қадимий ва навқирон Қарши" кўргазмалари очилди ва қиқот ишларининг салмоқли эканлиги шубҳасиздир. Бизнинг ҳақиқий маънавий-маърифий "олтин фонд"имизни ташкил этувчи музей бойликлари билан хорижлик дипломатлар, мутахассислар ва сайёҳлар ҳам кенг кўламда танишмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ижтимоий-гуманитар фанлар комплекси институтлари ва музейларда олиб борилган тадқиқотлар мавзуларини шакллантириш, уларнинг молиялаш механизмини тубдан яхшилаш лозим. Мукаммал Ўзбекистон тарихининг академик нашри ҳозиргача амалга оширилган эмас. Қорақалпоғистон тарихи, ўзбек фольклори ва адабиёти тарихи, қорақалпоқ фольклори ва адабиёти тарихининг академик нашрларини яратишга эндигина киришилмоқда. Фалсафа ва ҳуқуқ фанлари бўйича йирик, фундаментал тадқиқотлар ниҳоятда оз. Муайян сабабларга кўра, майда мавзуларни, шунда ҳам иккинчи даражали мавзуларни ишлаш кўпаймоқда. Бу эса, илмий салоҳиятнинг бўлиниб кетишига сабаб бўлмоқда.

Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига она юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш масаласи бугунги кунда долзарб аҳамият касб этмоқда.

Шу жиҳатдан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августдаги "Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарорида мамлакатимизда миллий ғоя тарғиботи ва маънавий ишларнинг самарадорлигини, уларнинг ҳаётийлиги ва таъсирчанлигини янада ошириш ҳамда Республика маънавият ва маърифат кенгашининг фаолиятини жонлантириш мақсадида маънавиятнинг маъно-моҳияти, миллий маънавиятимизнинг қадимий илдизлари, ноёб ва бетакрор намуналари, бугунги кундаги ривожланиш тамойиллари ҳақида аниқ мақсадга қаратилган тарғибот ишларини мунтазам равишда олиб бориш, аҳолининг кенг қатламлари, аввламбор, ёшлар ўртасида ватанга муҳаббат ва садоқат, инсонпарварлик фазилатларини тарбиялаш, миллий урф-одат, анъана ва қадриятларнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини ҳар томонлама очиб беришга йўналтирилган суҳбат ва учрашувлар, маърифий тадбирлар ўтказиш белгиланди.

Юртбошимизнинг юқорида тилга олинган қарори Ўзбекистон фани тараққиётида, жумладан, ижтимоий-гуманитар фанлар ривожида ҳам янги бир босқични бошлаб беради. Бугунги кунда қарор талаблари асосида ижтимоий-гуманитар фанларнинг истиқболли йўналишлари белгиланди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ижтимоий-гуманитар фанлар комплекси муассасаларини ривожлантириш концепциялари ишлаб чиқилди ва фанлар академияси ижтимоий-гуманитар фанлар комплекси ҳузуридаги илмий мувофиқлаштирувчи Кенгашда кенг муҳокама этилиб, тасдиқланди ҳамда чоп этилди («Фан» нашриёти, 2006 йил, 11 босма табоқ). Барча институтлар ва музейларда тўпланган илмий салоҳиятни учта йирик фундаментал тадқиқотлар дастури доирасида бирлаштириш режалаштирилди.

1. «Глобаллашув шароитида жамиятни демократлаштириш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, фалсафий ва ҳуқуқий масалалари» дастури бўйича Иқтисодиёт, Фалсафа ва ҳуқуқ, Оролбўйи ижтимоий-сиёсий муаммолари институтлари тадқиқотлар олиб борадилар.

2. «Тарихий-маданий мерос ва унинг жамиятни ривожлантиришдаги роли. Ўзбекистоннинг дунё цивилизациясига қўшган ҳиссаси ва унинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни» дастурини бажаришга Шарқшунослик, Тарих, Археология, Тил ва адабиёт, Қорақалпоғистон бўлимининг Тил ва адабиёт, Тарих, археология ва этнография институтларининг илмий салоҳияти жалб қилинган.

3. Ўзбекистон тарихи, Темурийлар тарихи, Адабиёт давлат музейлари ва Қатағон қурбонлари хотираси музейи илмий ходимлари «Музей фондларини сақлаш, кенгайтириш ва тарихий-маданий ёдгорликларни тадқиқ этиш» дастури бўйича фаолият кўрсатадилар.

Шундай қилиб, Фанлар академиясининг ижтимоий-гуманитар йўналишдаги комплекси фаолиятида Ўзбекистоннинг ўтмиши ва бугунги истиқболли ҳаёти, унинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва маънавий ривожланишининг муҳим муаммолари ўрганилиб, мамлакатимиз равнақига салмоқли ҳисса қўшишига шак-шубҳа бўлиши мумкин эмас. Истиқлол истиқболи – 15 йиллик тараққиёт буни яққол кўрсатиб турибди.

Саидаҳрор ҒУЛОМОВ,
академик,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси вице-президенти.

Саноат корхоналари:

БАРҚАРОР ИШЛАСА, МОДДИЙ НЕЪМАТЛАР ЯНАДА КЎПАЯДИ

Карор ва ижро

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг бошлиғи Ш. КАРИМОВ билан суҳбат

— Шароф Бурҳонович, маълумки, Президентимизнинг 2005 йил 2 майдаги ПҚ-66-сонли Қарорида Қўмита тизимидаги бўлинмаларнинг асосий йўналишлар бўйича вазифалари белгилаб берилган. Зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор ва тўлов қобилиятини йўқотган корхоналарнинг мониторингини олиб бориш, ушбу мониторинг натижаларини таҳлил қилиш асосида уларни тугатиш ёки таркибий ўзгартириш — шулардан бири. Ўтган даврда, шу жумладан, жорий йилнинг дастлабки ярим йиллиги давомида бу борада қандай ишлар амалга оширилди?

— Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг молиявий-иқтисодий аҳволини ўрганиш мақсадида бошқармамиз томонидан ана шу корхоналар ва уларга хизмат кўрсатувчи тижорат банклари ҳамда статистика бошқармасидан ҳар ойда маълумот олиб боради. Мазкур маълумотлар эса таҳлил қилиниб, умумлаштирилади ва таҳлил натижалари асосида тоифаларга ажратилади.

Охирги мониторинг натижаларига кўра, Тошкент шаҳри бўйича жами 144 та зарар кўриб ишлаётган, 46 та иқтисодий ночор корхона аниқланган. Табиийки, бу корхоналарнинг оғир молиявий аҳволга тушиши сабаблари қарзлари бўйича тўловларнинг ўз вақтида тўланмаслиги, яъни корхоналарда сотилган маҳсулотга пул тушумининг амалга оширилмаганлиги оқибатида кейинги ишлаб чиқаришни молиялаштириш учун маблағларнинг етишмаслиги; корхоналар томонидан узоқ муддатга олинган кредитларнинг мақсадсиз ишлатилиши; асосий воситалар эскириши даражасининг юқорилиги ва асосий фондларни янгилаш даражаси пастлиги натижасида тайёр маҳсулот таннархининг кўтарилиши, пировардида корхонанинг бозордаги рақобатга бардош бера олмаслиги; чет эл валюталарида олинган узоқ муддатли кредитларнинг алмаштириш курси фарқи ҳисобига зарар кўришлари туфайли йилдан-йилга корхона айланма маблағларининг камайиб бориши; ўз мулки ва ер майдонларидан номақбул фойдаланаётганлиги; инвесторларни жалб қилиш етарли даражада эмаслиги ва ниҳоят, бозор механизмлари асосида иш ташкил этилмаслигини сабаб қилиб кўрсатиш мумкин.

— Шундай экан, корхоналарни зарар кўриб ишлашдан ва иқтисодий ночорликдан чиқариш учун бошқарма томонидан қандай чоралар қўлланилмоқда?

— Шу мақсадда «Зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор, истиқболсиз корхоналарни тугатиш ва таркибий ўзгартириш бўйича Тошкент шаҳар ҳудудий дастури» ишлаб чиқилди. Мазкур дастурга мониторинг натижасида танлаб олинган 36 та корхона киритилди. Биласизми, ушбу дастурда ҳар бир корхонанинг муаммолари ҳисобга олиниб, бунда уларнинг ишлаб чиқариш қувватларини ошириш, ички имкониятларидан фойдаланиш, ички ва ташқи инвестицияларни жалб этиш ва бевосита давлат кўмаги беришни кўзда тутувчи чора-тадбирлар белгиланган эди. Шунга асосан, аксарият корхоналарнинг тижорат банкларидан олинган кредитларини қоплаш, бюджет ва бюджетдан ташқари фондлардан қарзлари муддатлари узайтирилиб, уларга ҳисобланган жарима ва пенялардан кечилди. Ишлатилмаётган асосий воситаларини консервация қилиш, яъни вақтинчалик «музлатиш» чоралари белгиланди. Буларнинг ҳаммаси бир муддатга тўланадиган молмулк солиғидан озод қилгани натижасида дастурга киритилган 26 та корхонанинг молиявий аҳволи яхшиланди, иқтисодий ночор корхоналарнинг 15 тадан 8 таси, шу жумладан, «Ўзбек қоғози», «Антикор» очиқ акциядорлик жамиятлари, «Ўзэнергосозлаш» унитар корхонаси муддати ўтган кредиторлик қарзларини тўла қоплади.

Ҳудудий дастурни бажариш, яъни ички имкониятлардан фойдаланиш ҳисобига жами 48942,1 млн. сўм тушум қилинди. Бунга 39170,9 млн. сўмлик дебиторлик қарзларини ундириш, 7736,5 млн. сўмлик тайёр маҳсулот қолдиқларини сотиш ҳисобига эришилди. Айни чоғда «Тошқишлоқмаш»да 13 та, ТТЗда 6 та, «Ўзпахтамаш»да битта, «Ўзмахсусавтоматика» ва «Фотон»да шунчадан шўъба корхона ташкил этилди, 6 та корхона («Ўзэнергосозлаш», «Мехмост», «1-темир бетон буюмлари заводи», «Орзу», «Фотон», «Сувсоз»)га 1432,4 млн. сўмлик инвестиция жалб қилинди. Муҳими, мана шу корхоналарда 36 та янги иш ўрни яратилиб, 209 та иш ўрни эса қайта тикланди.

— Айтайлик, корхоналарда дастурда кўзда тутилган чора-тадбирлар бажарилмаган ҳолатларда уларга нисбатан қандай йўл тутилмоқда?

— Авваламбор, дастур тасдиқландими, у сўзсиз бажарилиши шарт. Шу боис унда кўрсатилган параметрларнинг ижроси учун бошқарма ходимлари, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари, ҳар бир корхона раҳбари ва акциядорлари ўзаро ҳамкорликда ҳаракат қилмоқда. Лекин, афсуски, баъзи бир корхоналарнинг жар ёқасига келиб қолганликлари туфайли уларга нисбатан банкротлик таомилларини қўллашга ҳам тўғри келмоқда.

Шуни назарда тутишимиз лозимки, банкротлик — бу сўнгги чора. Бироқ бундан жуда катта фожиа ясамаслик керак. Бундай ҳолатда корхонани унинг барча кредиторлари билан келишган ҳолда сотиш, яъни инвестиция жалб қилишга қодир тадбиркор қўлига топшириш маъқул, деб ўйлайман. Мисол учун, чет эл тажрибасини оладиган бўлсак, Германия Федератив Республикасида банкротлик таомили қўлланган ташкилотлар сони йил давомида ташкил этилган корхоналар сонининг 50 фоизигача қисмини ташкил этади, холос.

Бизда ҳам, жумладан, 3 та корхона — «Юлдуз», «Упакмашавтомат» очиқ акциядорлик жамиятлари, «Растр» қўшма корхонасида таркибий ўзгартириш дастурининг бажарилишида ижобий натижаларга эришилмаганлиги сабабли, уларга нисбатан банкротлик таомили қўлланилди. Ҳозирги кунда ушбу корхоналарда тугатиш жараёнлари кетмоқда.

Бундан ташқари, 2006 йилнинг 6 ойи мобайнида зарар кўриб ишлаган, иқтисодий ночор, паст рентабелли ва истиқболсиз корхоналардан 26 таси молиявий соғломлаштириш ва таркибий ўзгартириш бўйича ҳудудий дастурнинг иккинчи босқичига киритилди.

— Ҳозирги кунда Тошкент шаҳрида қанча банкрот корхона мавжуд? Умуман, уларнинг қанчаси тугатилди?

— Жами 480 та банкрот корхонада тугатиш ишлари олиб борилди. Шулардан 322 тасида тугатиш жараёни якунланиб, ягона давлат реестридан чиқарилди. Қолган 158 та корхонада тугатиш ишлари давом этаяпти. Тугатиш ишлари корхонанинг кредиторлари томонидан тайинланган, махсус ваколат ва шаҳодатномага эга бўлган тугатиш бошқарувчиси томонидан амалга оширилади ва бошқарма томонидан доимий назоратга олинади.

— Айтинг-чи, бошқарма банкротлик таомили қўлланилиб, тугатилган корхоналарнинг мол-мулки, бинолари негизида вужудга келган янги корхоналарнинг фаолияти билан ҳам қизиқадими?

— Саволингиз жуда ўринли. Бошқарма янги мулкдорларнинг фаолиятини ҳам уларнинг розиликлари билан мунтазам равишда ўрганиб боради. Тегишли маълумотларни тўплаб, юқори ташкилот — Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасига тақдим этади. Қўмитада эса ушбу маълумотлар барча вилоятлар миқёсида умумлаштирилади.

Эътиборлиси, паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган, истиқболсиз корхоналарга нисбатан банкротлик таомилларининг қўлланилиши ўз самарасини бераётир. Янги ташкил этилган корхоналарда қўшимча иш ўринлари ташкил этилмоқда. Улар эса ички ва ташқи бозорни ўз маҳсулотлари билан тўлдириб келмоқда. Масалан, «Савдо қурувчиси» масъулияти чекланган жамиятининг бюджет ва иш ҳақидан кредиторлик қарзи 120 млн. сўмдан ортиқ эди. Тугатиш жараёнида ушбу кредиторлик қарзи тўлалигича қопланиб, корхона негизида «Катрис» хусусий мебель ишлаб чиқарувчи корхонаси ташкил этилди, 147 та янги иш ўрни яратилди. Хусусий корхонанинг йиллик ишлаб чиқариш ҳажми эса 1,5 млрд. сўмдан ошди.

Мухтасар қилиб айтганда, Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан белгиланган барча вазифалар шаҳримиздаги, қолаверса, бутун республикамиздаги мавжуд корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва ишлаб чиқариш қувватларини оширишга қаратилган. Ахир ҳар бир корхона барқарор ишласа, демак, моддий неъматлар кўпроқ яратилади. Аҳолининг катта қисми иш билан таъминланади, ишсизлик ва инфляция даражалари пасаяди. Бу дегани — амалга оширилаётган барча эзгу ишлар халқимизнинг турмуш фаровонлигини янада оширишга хизмат қилади.

— Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур!

«Халқ сўзи» мухбири Икром ЎТБОСАРОВ суҳбатлашди.

ХАТЛАР сўзлайди

Шукроналик

Ўзимизга бекмиз

Юртимизда истиқлолнинг ўн беш йиллик тўйи зўр тантана қилинди. Ўз она юртини чин қалбдан севган, уни ардоқлай билган инсон бундай пайтда дил сўзларини изҳор этиши керак, менимча.

Мустақилликка эришганимизни ўйласам, аввало, дунё мамлакатлари қатори тан олинганимиз, ўзимизга хон, ўзимизга беклигимиз юрагимни қувончга тўлдиради. Буюк аждодларимизнинг руҳи поклари ҳурмат билан тилга олинаётгани, виждон эркинлигига эришганимиз, фарзандларимизга давлат томонидан алоҳида эътибор берилаётгани... Буларнинг ҳаммасига озодлик туфайли эришдик, истиқлол бизга тортиқ этди, шундай имкониятларни. Муҳими, тинчмиз, фаровонлигимиз бисёр. Ризқимизнинг бутлигига хотиржам кунларга шукрона қилайлик.

Берди ДЎСЧОНОВ.
Элликқалъа тумани.



Фахр

Шу юртда бахтимни топдим

Узоқ йиллар Абдураҳмонов номли ширкат хўжалигига қарашли Муқимий номли мактабда ўқитувчи бўлиб ишладим. Нафақага чиққанимга ҳам кўп йиллар бўлди. Шогирдларим ҳозир бобою момо бўлиб, қарилик гаштини суришмоқда.

Ҳар гал ўзим меҳнат қилган масканга борганимда мени илиқ кутиб олишади. Дўстларим Кенжа Дадабоев, Олим Содиқов, Собир Турсунбоевларнинг ташрифимдан бошлари осмонга етади.

Биринчи қалдирғочларим ҳам эллик йил аввал мактабни тамомлаган бўлса-да, ҳамон мени унутишмаган. Бу гапларга урғу бераётганим бежиз эмас. Чунки мен шу юртда яшадим, шу халқ менинг қондошларимга айланди. Улар фазилатидан ибрат олса арзийди. Мактабда ишлаб юрган кезларим одамлардан кўп нарса ўргандим. Ўзбек хонадонида отанинг ҳурмати баландлиги, андиша ҳиссининг кучлилиги юртдошларимга бўлган ҳурматимни янада оширди. Бу халқнинг ота-бобоси менинг ҳам аждодим, унинг тарихий хотираси менинг ҳам муқаддас хотирамдир.

Мен дўст-ёрларим орасида яшаётганимдан бахтиёрман. Ўзбек халқига ана шу ҳурмат, бағрикенглик учун ташаккур билдираман. Юртимизнинг порлоқ келажаги, тинчлигимиз барқарор бўлсин!

Павел СИЛИН.
Тошкент тумани.

Умид

Йўлимиз қайта тикланса эди...

Маҳалламиз Кўқон — Андижон темир йўлининг шимолий қисмида жойлашган. Авваллари темир йўлдан ўтиш жойи бўлиб, шаҳар ва туман марказларига чиқишимиз учун бу йўл жуда қулай эди.

Кейинчалик бу ерда темир йўл излари кўпайтирилиши натижасида ўтиш жойи беркитилди. 14-20 чақирим ортиқча масофани айланма йўл орқали босиб ўтиш қийинчилик туғдирмоқда. Аҳолининг талаб ва истакларини инобатга олган ҳолда муқаддам шу ерда мавжуд бўлган темир йўл ўтиш жойи очилса...

С.НАЗАРОВ ва бошқалар.
Олтиариқ тумани.

Аризадан кейинги ариза

"Оби ҳаёт" бизга ҳам керак

Биз "Наврўз" маҳалласига қарашли А.Нормуродов ва С.Тойиров кўчаларида истиқомат қилувчилар ўтган йили таҳририятга мурожаат қилгандик.

Ичимлик сув масаласидаги аризамиз таҳририят аралашувидан сўнг ижобий ҳал бўлди. Маҳаллаларимизга сув кела бошлади. Мутасаддилар энди бу борада муаммо бўлмаслиги ҳақида ваъда беришганди. Лекин қувончимиз узоққа бормади...

А.РАМИЗОВ ва бошқалар.
Жиззах шаҳри.

Изҳор

Нима эксанг, шуни ўрасан

Мен бу хатимни миннатдорчилик ва вужудимда ажиб бир ғурур билан битмоқдаман. Аввало, биз ёши улуғлар Юртбошимиз раҳнамолигида мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан ўзгаришлардан бошимиз осмонга етмоқда. Хусусан, ёшларнинг мукаммал илм, таълим-тарбия олишлари учун катта эътибор берилаётгани ҳар қанча таҳсинга лойиқ.

Тақдир тақозоси билан Тошкент фармацевтика институтида меҳнат қилдим. Ҳозир нафақадаман. Яқинда собиқ жамоа аъзолари мен каби кексаларга иззат-ҳурмат кўрсатиб, институт дам олиш масканига йўлланма ажратишибди. Очиғи, у ерда бўлиб ҳайратим ошди. Бир пайтлар тақир, ташландиқ бўлган ерлар фидойи инсонларнинг саъй-ҳаракати билан гўзал бир бўстонга айланибди. Талабалар ёзги амалиётни шу оромгоҳда ўтказишяпти. Доривор гиёҳларни топиш, улардан турли дори-дармонлар тайёрлаш сирларини ўрганишяпти. Улар учун бу ерда ҳамма шарт-шароит муҳайё этилган. Шу боис талабалар билан бўлган учрашувларда биз, нуронийлар ўғил-қизларимизга қарата бир гапни такрор-такрор айтамиз: Бундай дориломон кунларнинг қадрига етинглар. Ўқиб-ўрганинг, билимингиз, куч-ғайратингиз билан мамлакатимизнинг дунёдаги обрў-эътибори ошишига ҳисса қўшинг. Биз эса сизларни қўллаб, дуода бўлайлик.

Абдурашид НОРМУҲАММЕДОВ,
нафақахўр.
Тошкент шаҳри.

Чегарада отишма

Кеча Жанубий Осетия ва Грузия чегарасида икки қуролланган гуруҳ ўртасида отишма юз берди. Гуруҳлардан бири — Жанубий Осетия ИИВ патрули, иккинчиси — грузин полицияси патрули. Отишма натижасида уч нафар осетин милиционери ва айрим маълумотларга кўра, уч нафар грузин полициячиси ҳалок бўлди. Ҳар икки тараф ҳам бирбирини атайин ҳужум қилганликда айбламоқда. Ҳалигача тан олинмаган давлат Мудофаа вазирлиги маълумотига қараганда, Грузия зиддиятли ҳудудга «Град» номли 6 та реактив мослама ҳамда 6 та 122 мм.ли ўзиюрар артиллерия воситаларини жойлаштира бошлади. Ҳудуддаги тинчликпарвар кучлар кучайтирилган тартибда ишлашга ўтди.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Неонацистлар фош этилди

Бельгия шимолида полиция томонидан махсус амалиётлар чоғида 17 киши — 11 нафар ҳарбий ва 6 фуқаро ҳибсга олинди. The Times газетасининг ёзишича, улар террорчилик фаолиятига дахлдорликда гумон қилинмоқда. Дастлабки маълумотларга кўра, маҳбуслар «Қон ва шаън» радикал гуруҳи аъзолари бўлишган. Уларнинг уйлари, шунингдек, 5 та казармада ўтказилган тинтувлар чоғида катта миқдорда ўқотар қуроллар, портловчи мосламалар, противогазлар ва ирқчилик ғояларини тарғиб қилувчи адабиётлар топилган. Бельгия прокуратураси вакилларининг айтишича, маҳбуслар қурол ва портловчи моддалар билан ишлашни ўрганиш мақсадида ҳарбий хизматга боришган.

Қисқа сатрларда

● *Кеча АҚШдаги Канаверал космодромидан Тошкент вақти билан 12 да қоинотга учирилиши керак бўлган «Атлантис» фазо кемаси парвози айрим техник сабабларга кўра кечиктирилди. Мутахассисларнинг фикрича, кеманинг ташқи ёнилғи бакида айрим носозликлар аниқланган.*

● *Буюк Британия Бош вазири Тони Блэр 2007 йил 4 майда истеъфога чиқиш ва ҳукумат раҳбарлигини мамлакат молия вазири Гордон Браунга топшириш ҳақида ўзаро келишиб олган, деб ёзади Financial Times газетаси. Бу тадбир Шотландия ва Уэльсда минтақавий сайловлар ўтказиладиган кунларнинг эртасига тўғри келади. Эслатиб ўтамиз, яқинда Блэр мухолифат таъсири остида ҳукуматни бир йилдан сўнг тарк этишини маълум қилган эди.*

● *Мисрда 2004 йил октябрда Таба шаҳрида амалга оширилган портлашларга алоқадор уч нафар террорчи устидан суд ҳукми чиқарилиб, улар ўлим жазосига маҳкум этилди. Жиноятчиларга қурол асраш, портловчи моддалар тайёрлаш, оммавий қотиллик сингари 7 та айблов қўйилганди.*

● *«Ал-Жазира» телеканали 2001 йил 11 сентябрда амалга оширилган терактларга тайёргарлик жараёнидан лавҳаларни эфирда намойиш қилди. Видеоёзувларда Усама бин Лодин Бутунжаҳон Савдо марказига ҳужум ҳақида икки жангари билан гаплашиб тургани ҳам кўрсатилган. Шунингдек, телеканалда «Ал-Қоида»нинг Ироқдаги раҳбари Абу Хамза ал-Муҳожирнинг мурожаати ҳам намойиш этилди, деб хабар беради Agency France Press агентлиги.*

Россия ФА энди йўқ

Пайшанба куни Россия ҳукумати ёпиқ мажлисида мамлакат Фанлар академиясини мустақил муассаса мақомидан маҳрум қилувчи «Фан тўғрисида»ги қонунга тузатишларни тасдиқлади, деб хабар беради «Коммерсант» газетаси. Қабул қилинган тузатишларга мувофиқ, РФА Давлат фанлар академиясига айлантирилди. Академия президенти энди давлат раҳбари томонидан, низоми эса ҳукумат томонидан тасдиқланади. Энди академиклар, мухбир-аъзолар сони ва уларнинг маоши ҳукумат томонидан белгиланади. Агар ушбу қонун Давлат думаси тасдиғидан ўтса, 18 декабрга белгиланган Академия президентлигига сайловлар бекор қилинади.



ДЕҲҚОНГА ЕЛКАДОШ МИРОБЛАР

Деҳқончиликда сувнинг ўрни беқиёс. Шу боис республикамизда мавжуд экин майдонларини узлуксиз оби-ҳаёт билан таъминлаш, ирригация-мелиорация ишларини амалга оширишга ҳукуматимиз катта эътибор қаратмоқда. Буни чуқур ҳис этган Қуйи Сирдарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси аҳли Жиззах вилоятининг 5111 гектардан зиёд ерига сув етказиб бераётир.

— Бошқармамиз Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йилдаги 320-сонли қарорига асосан фаолият юритиб келмоқда, — дейди унинг бошлиғи Олимжон Ражабов. — Биргина Сирдарё вилоятида қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш учун ҳозиргача 1,77 млрд. кубометр сув, 1270 км. узунликдаги магистрал ва хўжаликлараро каналлар, 1189 та сув тақсимоти, 1439 та сув ўлчаш иншооти, 13517 километрлик хўжаликлар ҳисобидаги каналлар орқали етказиб берилди.

Айни чоғда бошқармамиз томонидан 103,7 км. узунликдаги хўжаликлараро ва магистрал каналлар, 30 минг 968 километрлик хўжаликлар ҳисобидаги ички зовурлар тармоқлари тозаланиб, 22 минг 639 километрлик ёпиқ дренажлар тартибга келтирилди.

Бугунги кунда эса бюджет ҳисобидаги 69 та йирик насос станцияси ва уларнинг 224 та агрегати ишлаб турибди. Улар орқали «Зомин», «Хўжамушкент» ва «Сармиз» сув омборларининг суви экин майдонларига йўналтирилмоқда. Бундан ташқари, сув таъминотини яхшилаш, қўшимча сув олиш мақсадида 67 та насос қайта таъмирланди, «СНП» русумли янги насос ўрнатилади.

Суғориш мавсуми давомида Сирдарё вилоятида ҳар 5 гектар паҳта майдонига 1 та ирригатор, ҳар бир сувчига 1 гектар ерни оби-тобида суғориш учун 2000 сўмдан маош ва 3000 сўмдан рағбатлантириш маблағи узлуксиз бериб борилди. Вилоят бўйича эса сувчиларга 370 млн. сўмдан ошиқ маош ўз вақтида тўланади.

Қуйи Сирдарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ишчи-хизматчиларининг заҳматли меҳнати замирида қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ҳосил олиш, суғориладиган экин майдонларининг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилаш каби улуғ ниятлар мужассам. Буни яхши англаган сирдарёлик мироблар деҳқонларга камарбаста бўлмоқдалар.

Норқул МАМИРОВ.

ГАЗЕТАЛАРНИ ВАРАҚЛАГАНДА

Ўтказиб юборманг

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» 8 сентябрь. Носир Фозилов «Укадек азиз, дўстдек қадрдон эди...»:

«Баъзан-баъзан нега бизнинг адабиётимиз жаҳонга чиқмайди, деганга ўхшаган гап-сўзлар бўлиб туради. Жаҳонга чиқиш учун биз яратган асарларда жаҳоншумул муаммолар кўтарилиши, бақувват-бақувват қаҳрамонлар яратилиши керак. Мен ҳеч иккиланмай айтишим мумкинки, Тоғай Муроднинг кейинги романлари, агар у малакали таржимоннинг қўлига тушиб, кўнгилдагидек таржима қилинса, бошқа юртлардаги ўқувчиларнинг жавонларидан ҳам ўрин олиши турган гап».

«Моҳият» 8 сентябрь. Иброҳим Норматов «Миллийлик — асл қадрият»:

«Биз ўзбекларда ота-онага ва устозга ҳурмат-эҳтиром юксак. Ҳеч қандай ғарбча стандарт фарзанд ёки шогирдни улар билан тенг қилолмайди. Барибир уларнинг даражаси баланд. Ҳар бир фарзанд ота-она олдида, ҳар қандай шогирд устоз олдида ўзини бурчли деб билади ва бундай бурч улар учун муқаддас ҳисобланади. Бизда бугунги кунда ғарбнинг мафкураси ва «тарбияси» таъсирида ана шундай бурчни унутаётганлар кўпайиб бораяпти».

«Ўзбекистон футболи» 8 сентябрь. Максим Шацких: «Кучимиз ҳам, имкониятимиз ҳам етарли»:

«Дарҳақиқат, сўнгги ўйинда биз умуман ўзимизга яраша-маган натижани қайд этдик. Бундай муваффақиятсиз тўп суришга ҳаққимиз йўқ эди, бунинг устига ўз уйимизда. Очиғини айтсам, қандай қилиб Гонконгдек рақибни енга олмаганимизга ҳамон тушунмайман... Фақатгина ўзимизни айблашимиз мумкин, холос».

«Солиқ ва дунё» 8 сентябрь. Дилафруз Абдуқодирова «Барҳам топган югур-югурлар»:

«Маълумотларга қараганда, қарор қабул қилингунча солиқ тўловчи ҳар ойда ўртача тўрт марта келиб кетишга мажбур эди. Агар ўша даврда ҳисобот топширувчи 1210 корхона ойига 4 мартадан келганда бир ойда 4840, йилда эса 14520 марта туман инспекциясига келиб кетар эди».

«Чағониён» 8 сентябрь. Абдумалик Ҳайдаров «Ҳоким ҳал этмай, прокурор иддао қилса...»:

«Кўриниб турибдики, барча маълумотлар ўлда-жўлда, қалбаки. Бири иккинчисини инкор этади. Энг ачинарлиси эса элга, халққа қилинган хиёнатдир. Аслида бундай нохуш ҳолатни ҳокимлик ҳамда ҳуқуқ ҳимоячилари беш қўлдай билишган. Чора кўришга келганда эса юлғичларни ўз паноҳларига олишган кўринади.

Кимки жиноятнинг олдини олишга имкони бўла туриб, уни қилмаса, у жиноятни рағбатлантиради, деганди таниқли файласуф Сенека. Биз юқорида тилга олган воқеалар ҳам шунга ҳамоҳангдек».

Солиқ концепцияси миллий манфаатларга мос бўлсин

Мамлакатимиз Президенти томонидан белгилаб берилган иқтисодиётни эркинлаштириш ва иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштириш борасидаги устувор йўналишларнинг амалга оширилиши давлатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим омил бўлмоқда. Шу билан бирга, республикада макроиқтисодий барқарорликни таъминлашни янада мустаҳкамлаш, иқтисодиётда хусусий секторнинг роли ва аҳамиятини ошириш, маъмурий ислоҳотларни чуқурлаштириш ҳамда ижтимоий соҳани ривожлантириш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. Бу саъй-ҳаракатлар эса ўз самарасини бераётир.

Маълумки, жорий йил 11 августда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида 2007 йилги солиқ сиёсатини янада такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари ва йўналишлари муҳокама қилинган эди. Ана шу солиқ сиёсатининг концепцияси лойиҳаси мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган турли мулк шаклидаги хўжалик юритувчи субъектлар томонидан илиқ кутиб олинди. Айни кунларда жойларда давлат солиқ органлари ва солиқ тўловчиларнинг учрашувлари ташкил этилиб, уларда мазкур лойиҳа қизғин муҳокама этилмоқда.

Куни кеча эса Собир Раҳимов ва Шайхонтоҳур туманларида фаолият кўрсатаётган турли ишлаб чиқариш субъектлари ва давлат солиқ органлари, давлат бошқарув идоралари, банк-молия муассасалари вакиллари иштирокида семинар-учрашув ўтказилди. У қизғин мунозараларга бой бўлди.

Тадбирда Давлат солиқ қўмитаси раиси Б.Парпиев Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида муҳокама этилган солиқ концепциясининг мазмун-моҳияти, хусусан, хўжалик юритувчи субъектларга мамлакат иқтисодиётининг самарадорлиги ва рақобатбардошлиги ошишига кўмаклашувчи солиқ юкини камайтириш, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкаларини пасайтириш ҳисобига аҳолининг реал даромадини ошириш, солиқ тўлаш тизимини, солиқлар ва мажбурий тўловларнинг айрим турларини ҳисоблаб чиқиш механизми ва тўлаш тартибини имконият даражасида бирхиллаштириш ва соддалаштириш каби йўналишларда амалга оширилаётган ишлар ҳамда келгусидаги вазифалар ҳақида батафсил тўхталиб ўтди.

Учрашувда иштирокчиларнинг кўплаб саволларига жавоб берилди.

Саидолим ҲАЙДАРОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ВА ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ

КАРТОФЕЛНИНГ КЕЧКИ САРА НАВЛАРИНИ ХАРИД ҚИЛИШГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН БУЮРТМАНОМАЛАР 11 ДАН 21 СЕНТЯБРГАЧА ҲАР КУНИ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Таклифлар корхонанинг молиявий ҳолати ҳақидаги банк маълумотномаси, рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги ордер(лицензия) нусхаси, фаолияти тури, ҳуқуқий манзили ва ташкилот раҳбари паспорти нусхаси билан тақдим этилиши лозим. Буюртманома топширган ташкилотларнинг ваколатли вакиллари очиқ танлов савдоларида иштирок этиш учун комиссия йиғилишига 22 сентябрь куни соат 10.00 да Мудофаа вазирлигининг рухсатномалар бюросига таклиф этиладилар.

Тижорат таклифларини қуйидаги манзилга юбориш мумкин: 700000,Тошкент ш., ак.Абдуллаев к., 100-уй.

Маълумот учун ҳар куни соат 10 дан 12.00 гача қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: 8 10 998 (371) 169-86-03, 169-86-21, 169-88-54, ички тел.: 68-54, 68-69.

«ҲИМОЯ» ҲУҚУҚИЙ МАРКАЗИ АДВОКАТЛИК ФИРМАСИ

СОЛИҚ ВА БОЖХОНА НИЗОЛАРИ

Турли мураккабликдаги хўжалик низолари

корхоналарни рўйхатдан ўтказиш ва қайта рўйхатдан ўтказиш

Ҳамкорлар таклиф қилинади

ТЎЛОВ НАТИЖАЛАР БЎЙИЧА

Тошкент: (371) 133-11-13, 175-63-72, 301-33-15

Самарқанд: (3662) 33-30-99

Бухоро: (365) 223-63-72, 223-68-85

Навоий: (436) 730-99-80

Қарши: (371) 175-63-72

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 15 ЙИЛЛИГИ БИЛАН БАРЧА ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ ТАБРИКЛАЙМИЗ! УЛАРГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК, ИШЛАРИДА ОМАД ВА МУВАФФАҚИЯТЛАР ТИЛАЙМИЗ!

ОАЖ «ЎЗКАБЕЛЬ» қўшма корхонаси

Ўрта Осиё кабель-ўтказгич маҳсулотларининг энг йирик ишлаб чиқарувчиси ҳисобланади.

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100041, Тошкент ш., Ф. Хўжаев кўчаси, 2. Тел./факс: 162 02 86, 162 39 58, 162 29 02, 162 02 36.

Ишлаб чиқариладиган кабель-ўтказгич маҳсулотларининг ассортименти 2197 тани ташкил этади

SGS

Товар сертификатланган

www.uzkabel.uz

Миллий ҳамда чет эл валютасидаги барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!

«ПАХТАБАНК» ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача

136-09-25

132-10-63

242-хона

E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

Ҳурматли фермер хўжаликлари раҳбарлари ва фуқаролар диққатига!

Тошкент вилояти Ўртачирчиқ туманидаги «Йунгичколи», «Дўстлик»", «Қорасув», «Алишер Навоий», «Пахтакор» қишлоқ фуқаролари йиғинлари ҳудудларида жойлашган туман давлат заҳираси ихтиёридаги ер майдонларида пахтачилик ва ғаллачилик йўналишидаги фермер хўжаликлари ташкил этиш бўйича, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилган 2005 йил 19 ноябрдаги 1523-сон низом асосида танловлар ўтказилади.

Танловда иштирок этиш истагида бўлган фуқаро ва фермер хўжаликлари раҳбарларидан аризалар Ўртачирчиқ тумани ҳокимлиги ҳузуридаги деҳқон ва фермер хўжаликларига ер майдонлари ажратиш комиссияси томонидан эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади.

Мурожаат учун телефонлар: 76-21-603, 76-21-115, 76-21-220.

ГАЗ РУСУМЛИ РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ

Ўзбекистондаги расмий эксклюзив дистрибьютер AVTODOM PLUS

ГАЗ-31105, «ВОЛГА»

ГАЗ-3221, Микроавтобус, 15 ўриндиқли

ГАЗ-33023 «Фермер», юк кўтариши — 1,5 тн., 6 ўриндиқли

ГАЗ-3309 Турбодизель юк кўтариши — 4,5 тн., 2 ўриндиқли

ГАЗ-2705, 7 ўриндиқли металл билан қопланган фургон, юк кўтариши — 1,3 тн., 3 ёки 7 ўриндиқли

ГАЗ-3307, 40 та газ баллонлари ташувчи

ТЎЛОВ ШАКЛИ — ТУРЛИЧА

ГАЗ-3307 Автоэвакуатор

ГАЗ-3302, нон ташийдиган, лотоклар сони — 112 та, 3 ўриндиқли

700015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., «Шаҳрисабз» к., 16-«А» уй. Тел./факс: (998-71) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62. Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-12-94, 126-25-42. E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

ТАШКИЛОТ КЕНГ ТУРДАГИ «ГАЗ» РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

- «Волга» автомобиллари;
- 6-15 ўриндиқли микроавтобуслар;
- 3-7 ўриндиқли металл билан қопланган (цельнометаллические) фургонлар, юк кўтариши — 0,8 тн.;
- 1,5-4,5 тн. юк кўтарадиган юк машиналари.

ШУНИНГДЕК, МАХСУС ТЕХНИКАЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:

ТЕЗ ЁРДАМ МАШИНАЛАРИ: «Волга», «Газель», «Соболь».
ЮК МАШИНАЛАРИ: озиқ-овқат, саноат моллари ва нон ташийдиган, изотермик, вакуумли ассенизаторлар, автогидрокўтаргичлар, автоустахоналар, бурғулаш (буровые), чиқинди ташийдиган, мобил билбордлар, автоэвакуаторлар.
АВТОЦИСТЕРНАЛАР: сут ташийдиган, ёнилғи ташийдиган, самосваллар.

АВТОМОБИЛЛАР — КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ғани Мавлонов номидаги Сейсмология институти жамоаси лаборатория мудири, профессор, давлат мукофоти совриндори **Ағбар Раҳматович ЯРМУҲАМЕДОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси жамоаси Ишлар бошқармаси назорат ва хатлар бўлими бош мутахассиси Наима Файзиевага отаси **Азимжон ҲАСАНОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институти жамоаси институтнинг маънавият-маърифат ва илмий ишлар бўйича проректори Абдуҳалил Мавруловга волидаси **РИСОЛАТ ая**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти жамоаси Адабиёт назарияси бўлими етакчи илмий ходими, филология фанлари доктори Уммат Тўйчиевга турмуш ўртоғи **Озода БОЙМИРЗАЕВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент архитектура-қурилиш институти жамоаси институт бош муҳандиси Рустам Норовга падари бузруквори **НУРАЛИ ота**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Шоир суратига чизгилар

Ўзбекистон Қаҳрамони, ардоқли шоиримиз Абдулла Орипов ижодини халқимиз қанчалик севса, қадрласа, у билан юзма-юз учрашишга, замон, ҳаёт, одамлар тўғрисида бевосита суҳбатлашишга ҳам шу қадар интилади. Яқинда бир гуруҳ шоирлар, адиблар, журналистлар Абдулла Орипов бошчилигида Қашқадарё вилояти бўйлаб қилган сафаримиз кунларида бунга яна бир бор чуқур ишонч ҳосил қилдик.

ЭЛ БИЛАН ҲИКМАТЛАШИБ...

Аввало, шуни айтишимиз керакки, ижодий сафар ватанимиз мустақиллиги байрами арафасида юз берганлиги ва у билан бевосита боғлиқ бўлганлиги сабабли юртдошларимиз билан учрашувлар чоғида ҳам бу улуғ воқеа ҳамманинг диққат-эътиборида бўлди. Адабиёт ихлосмандлари билан саволжавоб лаҳзаларида Абдулла Орипов ҳам, бирон лаҳза бўлсин, Мустақиллик мавзуси ва масаласини унутмади. Чунончи, Қамаши тумани марказидаги педагогика касб-ҳунар коллежида шоирдан «Қандай орзу-армонларингиз бор?» деб сўрашди.

— Менинг энг катта орзуим, — деди у, — умумхалқ байрамимиз бўлган Мустақиллик кунини мамлакатимиздаги ҳар бир инсон ўз ҳаётининг ноёб воқеасидай, ўз шахсий байрамидай, унинг табаррулигини қалбдан ва руҳан теран ҳис этиб байрам қилса дейман. У оилаларимизнинг суюкли байрамига айланса. Масалан, оналар: «Бугун Мустақиллик куни, болаларим, байрамга атаб бир ош дамлайки, мазасини унутолмай юринглар» деса...

Хуллас, Мустақиллигимиз бамисоли неча минг йиллик Наврўздай, неча-неча замонлардан буён табаррук бўлиб келаётган Рамазон ёки Қурбон ҳайитларидай абадий, эзгу, эъзозли байрамларимиз қаторидан мустаҳкам ўрин олса, дейман.

Ижодий сафар давомида атоқли шоирга саволлар кўп бўлди, саволлар ҳар хил бўлди. Масалан, Қамаши туманидаги учрашувларда маҳаллий аҳоли вакиллари кўнгилочар газеталардан бироз норози бўлиб гапиришди. Албатта, ижодкорлар орасида келган матбуот вакиллари ўз жавобларини қилди. Аммо бу борада Абдулла Ориповнинг билдирган фикрлари ҳамманинг диққат-эътиборини ўзига қаратди:

— Ҳозирги кунда газета-журналларимиз кўп. Мустақиллик нашрлар эркинлигига катта йўл очди. Биров бугун ҳеч бир нашрнинг оғзига ураётгани йўқ. Лекин, биродарлар, эркинликнинг ҳам ўз масъулияти бор. Кўпгина газеталар ва газетачилар ана шу масъулиятни унутиб қўяяпти. Улар, энг ёмони, имон-инсофни унутиб қўймоқдалар. Мана шуниси таассуфли. Ахир сўз дунёни безаши, кўкартириши ҳам, уни бузиши ҳам мумкин. Буни унутиб бўлмайди.

Шоирнинг бундай фикр-мулоҳазалари ўз аҳамиятига кўра фақат залларда қоладиган гап эмас. Уни ҳаммамиз эшитишимиз керак.

Китоб туманидаги Муборак нефть-газ унитар шўъба корхонасига қарашли «Ёш алангачи» деб аталган болалар оромгоҳида жуда катта ва қизғин учрашув бўлди. Оромгоҳдаги болакайлар ва қизалоқлар билан Абдулла Ориповнинг учрашуви ўзига хос дилкаш спектаклга айланди десак, сира муболаға бўлмайди. Шоир билан болалар ўртасида Мустақиллик, Ватан, Болалик ва унинг олдида турган вазифалар тўғрисида савол-жавобли суҳбат қизигандан қизиди. Айтишимиз керакки, бу мавзуларда болакайлар шоир боболаридан ўлкан сабоқ олдилар. Айни пайтда, болакайларнинг дунёга, ҳаётга, мустақилликка ва келажакка қарашлари ҳам шоирнинг «Баракалла!», «Балли!» деган баҳоларига сазовор бўлди. Сирасини айтганда, болалар кўп нарсага қизиқади. Шу боисдан, шоир саволлар қуршовида қолди. Масалан, уларни: «Қандай қилиб шоир бўлгансиз!», «Биринчи муҳаббатим» шеърини нега ёзгансиз?», «Илҳом нима дегани?» каби масалалар қизиқтирди. Болалар учун муҳим туюлган бу саволларга шоир ҳам катта диққат-эътибор кўрсатиб, батафсил жавоблар қилди. Масалан, шундай деди:

— «Илҳом нима?» деб сўраяпсизлар, болаларим. Буни мен шундай тушунаман: мана, сизлар баҳор фаслини севасизларми? Қир-адирлар яшнаган, боғлар оппоқ бўлиб гуллаган... Бундай фаслни севмай бўладими?

Болакайлар:

— Ҳа, баҳорни севамиз.

— Мана шу севгингизда илҳом бор. Хўш, тоғ бағридаги булоқлар, шаршаралардан завқланасизларми?

Болакайлар:

— Ҳа, завқланамиз.

— Баракалла, мана шу завқланишингизнинг ўзи илҳом. Ёки дейлик, оналарингиз бир пас кўринмай қолса соғинасизларми?

Болакайлар: — Жуда соғинамиз-да!

— Балли! Мана шу жуда соғинишда илҳом бор. Ёки, аксинча, одобсиз, безоритабиат болаларни кўрсангиз хафа бўласизлар, албатта.

Болакайлар: — Ҳа, бундайларни ёмон кўрамиз.

— Ана-ана, жуда тўғри қиласизлар. Ёмон болалар эса ёмон бўлиб қолмасликка интилиши керак. Энди мен айтсам, мана шу ёмон кўришларингда ҳам ўзгача бир илҳом бор. Хуллас, атрофдаги табиат, ҳаёт, одамлар таъсирида кўнгилларингда уйғонган турли-туман ҳис-туйғулар, севинч, завқ, соғиниш ёки борингки, хафагарчиликларда ҳам илҳом бор, шеър бор. Албатта, бундай ҳис-туйғуларни, ўйларни шеърга солиш, ҳикоя қилиш, бошқаларга ҳам таъсирли, ишонарли қилиб етказиш учун қалам олган кишида ёзувчилик, шоирлик қобилияти ҳам бўлиши лозим. Ораларингизда қобилиятлилар ҳам албатта топилади. Улар келгусида, сўзсиз, шоир ёки ёзувчи бўлиб етишади. Мабодо шоир ёки ёзувчи бўлмасангиз ҳам сира хафа бўлманглар. Лекин адабиётни севинг. Адабиётни севган болалар келажакда баркамол, ажойиб инсонлар бўлиб вояга етади. Ватанимизга эса ҳар жиҳатдан етук инсонлар керак...

Болакайлар шоир боболарининг ўзларига бундай астойдил ишонишидан илҳомланиб, хурсанд бўлиб чапаклар чалишди.

Абдулла Орипов, бир тўртлик шеърида айтганидай, дунёдан ҳикматлар излайди. Уларни шеъриятда, мақолаларида ифода этади ва халқимиз вакиллари билан учрашувларида ҳам ҳикматлар улашади.

Аскар қўшиғи

Туронзамин! Алп Тўнгадан,
Буюк бобом Темурдан —
Ҳар бир гардинг бизга мерос,
Тутиё бир Ватансан.

Аскарингман, қўлда қурол,
Камарбаста фарзандман.
Мен борманки — сен ҳам борсан,
Бошинг доим баландсан.

Орзуим шул — оғушингда
Омон бўлсин Она эл!
Ул бор экан — сен гуллайсан,
Сен яшнайсан, чамансан.

Хуш ниятли, меҳмон келса,
Бурчим, дерман: «Марҳабо!»
Ғаним келса, билиб қўйсин —
Ундайларга кафансан.

Гоҳо Мовароуннаҳр,
Гоҳ Чиғатой дедилар.
Давр келди, сен ўз бўлдинг,
Бўлгил абад Турон, сан!

МУҚТАДИР.



GURUNG

Луций Анней Сенека — милодий I асрда яшаб, ижод этган, асли испаниялик, қадимги Римнинг буюк адиби, шоири, файласуфи ва давлат арбобидир. Қуйида унинг «Луцилийга ахлоқий мактублар» номли фалсафий асаридан айрим ҳикматларни ўқийсиз.

СЕНЕКА ЎГИТЛАРИ

Донишларга узат қўл -
Ёруғ бўлгай сенга йўл.



- *Инсоннинг ҳаёти — Оллоҳнинг буюк иноятидир.*
- *Мен Яратганга шунчаки зарурат важидан бўйсуниб эмас, балки сидқидилдан, у билан ҳамнафасликда яшашни энг оқилона ҳаёт деб биламан. Яратган Эгамга ҳамнафаслик эса яратиб, бунёд этиб яшашни англатади.*
- *Қанча яшаганинг эмас, қандай яшаганинг муҳим.*
- *Умрингни муддат билан эмас, меҳнат билан ўлча.*
- *Ҳаётга келдингми — ичида яша, умринг унинг ёнидан ўтиб кетмасин.*
- *Кимнинг табиати мўрт бўлса, унга борлиқдаги ҳамма нарса омонатдай туюлаверади.*
- *Ҳалоллик шундайки, ҳеч бир мукофотга асир бўлмасликни ўзи учун энг юксак мукофот, деб билади.*
- *Ўзини ҳар қандай шароитда энг муносиб даражада тута биладиган инсон — ҳукмдорларнинг ҳукмдоридир.*
- *Бошқармоқ — ҳукмдорлик қилмоқ эмас, балки ҳаёт олдидаги мажбуриятни бажармоқдир.*
- *Ширакайфлилик иллатни дунёга келтирмайди, балки инсон руҳиятида бор иллатларни юзага чиқаради, холос.*
- *Кўп нарсани билиш учун эмас, яхшироқ ва чуқурроқ билиш учун ўқи.*
- *Кўп нарсани билма, зарур нарсани бил.*
- *Сўз ва амал ўртасида парокандалик туғилмаса, ҳаётда зиддиятлар ҳам бўлмайди.*
- *Ҳаёт — саҳна асаридай: у қанча давом этгани билан эмас, қандай ўйналгани билан диққатни тортади.*

Инсон манзаралари

Унинг оёғи ердан узилиб, шон-шуҳрат кўкларида балқигач, борлиққа муносабати ҳам ўзгарди. Аввало, ўзининг Ердан эканлигига шубҳа қила бошлади. Қолаверса, мислсиз кўклардан қуйига, Ерга боққанида, назари пашшага ўхшаш алланималарга тушди. Ҳолбуки, ўша «алланималар» — Инсонлар, ўзи бир замонлар Ердалигида, унинг яхшиёмон, иссиқ-совуқ кунларида ёнида турган Дўстлари эди.

* * *

У ўзини ўта дилкаш, ҳозиржавоб шахс деб билади ва шундайлигидан мамнунлигини ҳеч қачон яширимайди. Биз ҳам унга тан беришимиз керак. Масалан, бир куни йўлда, қўлларида зил-замбилдай юк кўтарган бир кампирни учратди ва унинг: «Бу йигит менга ёрдамлашиб юборар» деган илинж ила мўлтиллаган, чарчоқ кўзларига шўҳчан тикилиб, деди:

— Онагинам! Бандасининг берган ёрдами нима бўларди?.. Оллоҳ ўзи ёрдам берсин сизга.

Ва йўлида давом этди.

Зўр-а?..

* * *

«О-о, Ватан! Сени севмасдан бўларканми? — хитоб айлади ёғ босган халқумини ўйнатиб коррупциячи зот. — Ахир, биздайлар учун сен бамисоли зотдор соғин сигирнинг худди ўзисан-ку? Шундай экан, сўровим битта: Парвардигор елинингга битмас-туганмас барака ато этсин ва ундан ўла-ўлгунимизча биздакаларни, йўқ, Мени! — айирмасин».

* * *

— Куни кечагидай ҳамон ёдимда ва ҳамон хаёлимни ширин тушдай аллалайди, — дея ҳасратидан чанг чиқади ишдан бўшаб қолган институт домласининг. — Ҳар йили ёзда, кириш имтиҳонлари бошланди дегунча, менинг ҳам абитуриентлар билан савдойим қизигандан қизир эди. Деярли ҳар ёзда ўзимни бойваччалардай бир ўнглаб олардим-а. Қани, энди ўша олтин даврлар, хайрли-баракали ўша кунлар? Тест деган бало қайдан чиқди? Унинг дастидан нону насибам «чирт» узилди-қолди. Ва мен... истеъфога чиқдим. Нафсиламрини айтганда, олий ўқув юртларида қиладиган ишим қолмаганидан кейин, нима ҳам қилдим у ерда?

Яхшидир аччиқ ҳақиқат

Телевизордан эҳтиёт бўлинг

Телевизор ёнида қадалиб ўтиришнинг хайрли эмаслиги тўғрисида унча-мунча гапларни ҳар биримиз эшитганмиз. Аммо бу гапларга жиддий эътибор бермаймиз. Эшитамиз-да қўямиз.

Аслида, бу бизнинг хатомиздир. Табобат мутахассислари ҳам буни тасдиқламоқдалар. Яқинда германиялик асабшунос олим, Ульм университети неврология кафедраси профессори Манфред Спицернинг «Телевизордан эҳтиёт бўлинг» деб аталган китоби немис тилида нашрдан чиқди ва кенг тарқалди.

«Телевидениега муккасидан берилган одамларнинг спорт ва бошқа хилдаги ҳаракатланувчан фаолият билан шуғулланишга асло вақти бўлмайди, — дейилади китобда. — Бунинг устига, бундай кишиларда телевизордан кўз узмай овқатланиш кўникмага айланади. Бу эса семиришга ва организмнинг емирилишига олиб келади. Семириш оқибатида қон босими ошади, қандли диабет пайдо бўлади, томирларда холестерин моддаси кўпаяди».

Китобда келтирилган маълумотларга кўра, 80 миллион аҳолиси бор Германияда ҳар йили 20 минг киши телевизор қаршисидаги ҳаракатсизлик оқибатида орттирадиган касалликлар оқибатида дунёдан кўз юммоқда экан...

Нохуш статистика, шундай эмасми?

Россиядаги «Пилигримм-Пресс» нашриёти Валерий Осипов деган муаллифнинг «Единый язык человечества» («Инсониятнинг ягона тили») номли китобини катта нусхада нашр этиб, уни Россияга қўшни бўлган давлатларга ҳам тарқатишга улгурди. Жумладан, у Ўзбекистон китоб расталарида ҳам кўзга ташланмоқда. Аслида, бунда ҳеч бир ёмон нарса йўқ. Ахир, китоб — илм-маърифат элчиси, дейилади. Бироқ В. Осиповнинг китобини бундай шарафга лойиқ, деб айта олмаймиз. Расталаримизда бундай китобнинг сумрайганча туриши бизга шу боисдан ёқмади.

«ШОҲМОТ»НИНГ ЎЗАГИ «ШАГ»МИ?

Эътироф этайлик: китоб мавзуси ва масаласи ҳайрли. Унда жаҳондаги тилларнинг ҳамкорликда ривожланиши, улар узоқ тарих давомида ўзаро таъсир кўрсатиб, бирбирини бойитиб келаётганлиги таҳлил ва тадқиқ асоси қилиб белгиланган. Кўриниб турибдики, мақсад қизиқарли. Аммо бу мақсадни юзага чиқаришда, белгиланган мавзу ва масалага ёндошишда тутилган йўл ўта баҳслидир. В. Осипов ўз китобида келиб чиқиши лотинча, юнонча, арабча, форсча ёки туркийча эканлиги дунёда алдақачон эътироф этилган кўпгина сўзлар, атамалар этимологиясини шубҳа остига олади ва уларнинг илдизи ўз она тилида эканлигини ўта чираниб-кучаниб исбот этишга киришиб кетади.

Майли, буниям муаллифнинг ҳуқуқи дейлик. Аммо ниманидир шубҳа остига олар экансан, фикрингни қўйил қилиб исбот эт. Асл ҳақиқатга одамлар эътиборини қарат. Шундай қилинса, китобхонлар: «Балли, мана бу янгилик, билим, ҳақиқий маърифат» дея олади. Биз эса, В. Осиповнинг ўз китобида аксинча оқни қора, ҳақиқатни — ёлғон этиб кўрсатишга уринганлигига гувоҳ бўлиб, муаллифдан ранжиймиз. Сўзимизнинг исботи учун атиги иккита далил келтирайлик.

Арабларда «Мадина» деган сўз бор. У «шаҳар» маъносини англатади. «Мадина» сўзи араб тилида арабларнинг ўзидай кўҳна тарихлидир. Лоақал, араблар заминида қадимдан «Мадина» номли шаҳар мавжудлигини эслайлик. Аммо В. Осиповнинг ёзишича, рус тилида бир замонлар «Матина» деган сўз бор экан. Уни ҳозир руслар нинг ўзи ҳам унутган эмиш. Қарангки, руслар ўзлари унутган сўзни араблар табаррук билиб, ўзларига ўзлаштириб олган эканлар. В. Осипов ёзади: «Слово «матина» оставило след в современном арабском языке («Мадина» — город)». Бу жумладаги «в современный арабский язык» иборасига эътибор қилинг. Ва «Мадина» номли шаҳар араблар дунёсида неча минг йиллардан буён борлигини унутманг. Демак, неча минг йилдан буён «Мадина» сўзи араб тилида бор. У кеча ёки бугун араб тилига аллақаёкдан келиб қўшилмаган. В. Осиповга эса бу ҳақиқат керак эмас. Унга бошқа «ҳақиқат» керак. Тўғриси, унингча, ҳатто «Мадина», яъни «шаҳар» деган тушунча ва умуман, шаҳарсозлик тажрибаси ҳам дунёга, жумладан, араб оламига Россиядан тарқалган. Ана сизга «каромат»!

Ёки «шоҳмот» сўзини олайлик. В. Осипов бу тўғрида жаҳонда мавжуд эътиборни тан олишдан ўз сўзини бошлайди: «В словарях про слово «шахматы» обычно говорится, что оно персидского происхождения». Кейин, дарҳол аён бўладики, В. Осипов бу фикрга қўшила олмас экан. Сабаб? У ёзади: «В действительности же в персидском языке нет слов «мат», в значении «умер», оно есть в арабском». Демак, хулоса қилади В. Осипов, ярим форсча, ярим арабча «шоҳмот» сўзининг илдизи бу тилларда эканлиги шубҳалидир. Хўш, қаерда экан бу илдиз? «Хуллас, биз «шоҳмот» сўзини ўзлаштирма сўзлар орасидан тополмадикми, демак, унинг илдизини рус тилидан излашга тўғри келади», деб ёзади у. Ва излай бошлайди. Топгани эса... куракда турмайди. Унинг фикрича, русча «шаг» сўзи «шоҳмот» атамасининг ўзагида ётар эмиш. Хўш, «шоҳмот»даги форсча «шоҳ» сўзи «манаман» деб турганлиги сени қониқтирмади, «шоҳ» сўзига тасодифан оҳангдош «шаг»ни «шоҳмот» атамасига асос, деб ишонтирмоқчи бўлаяпсан. Бу чираниш эмасми? В. Осиповга яна бир савол берамиз: «шоҳмот»даги иккинчи қисм — «мот»га рус тилида қандай асос бор? В. Осипов эса бу саволни гўё эшитмагандай тутади ўзини. Бу тўғрида умуман гапирмайди. Чунки «мот» сўзи рус тили тарихида йўқ. У ўзлашма сўз. Ва бу сўз луғатларда «форстожикча» дейилади. Борингки, В. Осипов айтганидай, у арабча ҳам бўлсин. Бу сўз туркий тилда ҳам қадимийдир. Алишер Навоий асарларида «мот» сўзи жуда кўп марта тилга олинганлигини китоблар далиллайди. Мана, «Садди Искандарий» достонидан бир байт:

Хиромим қилиб
равза сарвини мот,
Анга можаро
қилгай оби ҳаёт.

Демак, «шоҳ» сўзи ҳам, маглубият, ҳайратда қолдириш маъноларидаги «мот» сўзи ҳам Шаркда бор. Жаҳон тарихчилари шуни инобатга олиб «шоҳмот»нинг ўзи ва бундай тушунчанинг ватани деб Шарқни эътироф этишган. Ва бу мустаҳкам мантиқли эътирофдир. «Шаг» эса шоҳмотга яқинлаша олмайди ҳам.

Китоб ёзаман деб қўлга қалам олар экан, В. Осипов лоақал буюк ватандоши Ф. Достоевскийнинг ўгитига қулоқ тутиши лозим эди. У сўзлаган-ку: «Россия — улуғ. Аммо ҳақиқат ундан азизроқ» деб. Ватанни улуғла. Аммо ҳақиқатни ҳисобга олган ҳолда, албатта. Тўғри, рус тилидан ҳам бошқа тилларга кўплаб сўзлар ўтган ва у тилларни бойитишга ўз ҳиссасини қўшган. Мана шу тўғрида гапирилса, аниқ далил-исботлар исталганча топилади. Шунингдек, рус тили ҳам бошқа тиллардан кўпгина сўзларни ўзлаштирган. Масалан, ўша «Мадина» ёки «шахмат» сўзларини олайлик. Уларнинг манзили — Шарқ.

Хуллас, китоб ёзгинг келган бўлса, ёз. Аммо сувни лойқалатиш учун эмас, тинитиш учун.

Луқма

Саҳифани «Халқ сўзи» мухбири М. САФАРОВ тайёрлади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 1157. 21086 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — А. Ҳайдаров.
Навбатчи — Б. Ғофуров.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.00 Топширилди — 22.00 173456